

## ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУХИТНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

ЖДПИ катта ўқитувчиси **Фарида Исроилова**

Жиззах шаҳар 17-мактаб ўқитувчиси **Мусаева Нодира**

**Аннотация:** Мақолада ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келишига болалар тарбиясининг тўғри олиб борилиши, болаларда ижобий фазилатларнинг ва индивидуал-психологик хусусиятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатадиган омиллар ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** оила, тарбия маскани, ўзаро ҳурмат, меҳр – оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, кадриятлар, аждоддан авлодга.

Маълумки, оилада ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келишига болалар тарбиясининг тўғри олиб борилишига, болаларда ижобий фазилатларнинг ва индивидуал-психологик хусусиятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистон республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ”хаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз даркор. Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хосанъаналар, кадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради, энг муҳими фарзандлар оилавий хаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади”.

Дарҳақиқат, оила асрлар давомида тарбия маскани бўлиб келган. Унда

Ўзаро ҳурмат, меҳр – оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги кадриятлар шаклланган, аждоддан авлодга етказилган. Шу сифатлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан инсон хулқи, хатти – ҳаракати мазмунига сингиб борган.

Ижтимоий психологик муҳит ва унинг соғлом бола тарбиясига таъсирида ота – онанинг роли бекиёсдир. Айниқса глобаллашув даврида оиладаги ижтимоий психологик муҳит ва унинг соғлом бола тарбиясига таъсирида психологик муҳит бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб, оиладаги илиқ психологик иқлимни яратишда ота-онанинг, айниқса онанинг ахамияти катта эканлиги ҳаммамизга сир эмас. Бунда бола ёши психологик хусусаиятлари ҳолатлари оиладаги психологик иқлим ҳисобга олиниши лозим. Боланинг ёши ҳолатини яхшироқ тушуниш учун унинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрсакгина унинг психик оламини ҳолатини, хоҳиш-истагини англаб етамиз. Кузатишлар шуни кўрсатадики соғлом муғит яратиш учун болалар билан муомала-муносабатга киришишда уларнинг психологиясига эътибор қаратиш керак. Ота -она ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг ижобий тус олиши учун ота-она фарзандлари билан муомала муносабатга киришаётганларида педагогик одобга қатъий риоя қилиш даркор.

Шундай экан, Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оилада ўзининг кадриятларидан ташқари, жамиятнинг кадриятлари, қонун-қоидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилиши зарур. Ҳозир замон шиддат билан ўзгариб бораётган, болалар тарбиясига, руҳиятига таъсир этадиган воқеа-ҳодисалар кўплаб рўй бераётган бир пайтда ота-оналар фарзандлари тарбиясига ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари лозим. Болага қаттиқ гапириб, танбеҳ бериш керак эмас. Уларга яхши гапириб, ишонч билдирилса, кўпроқ самара беради.

Маълум бўлишича соғлом бола оналик ва соғлом турмуш тарзига психологик шакллантиришнинг асосий ўчоғи – ота – она оиласи бўлиб, биринчи ўринда она, унинг ижтимоий установаки, она – бола муносабатлар тизими, оила турмуш тарзининг бир бутунлиги ҳисобланади. Оилада фарзандлар тарбияси билан кўпроқ оналар шуғулланадилар. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, коллеж ёки листейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан виждонан бажарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади.

Оила инсонларга хос бўлган ахлоқий қадриятлар ўзаро ҳурмат, ишонч, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуларининг конкрет шаклда намоён бўлишини таъминлашда онанинг вазифаси муҳим. Бола ақлли, одобли, меҳнатсевар, ҳалол, иймонли, инсофли бўлишидан ота-онагина эмас, балки биринчи навбатда бутун жамият манфаатдордир. Чунки, жамиятнинг тараққиётини, инсониятнинг ёрқин истиқболини маънавий етук, жисмоний соғлом ёшларгина таъминлай олади. Оилада камол топган бола нафақат жисмонан, балки муайян маънавий фазилатларни эгаллаган, ижтимоий ва ҳуқуқий бурчини англаган инсон сифатида тарбияланади. Инсоннинг асосий моҳияти маънавият экан, унинг дастлабки куртаклари ҳам оиладаги тарбия жараёнида шаклланади.

Оила ва унинг соғлом маънавий муҳити соғлом болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-ҳунарли бўлиш, муомалада ахлоқ-одоб нормаларига бўйсунушга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Бу борада айниқса оналар, аёллар ана шундай улуғ инсонлардир. Пайғамбарларни ҳам вояга етказган ана шу аёллар, оналардир. Бинобарин, Муҳаммад пайғамбар таъкидлаб ўтганларидек, “Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хорлайди”.

Она фарзандига ҳаётнинг мақсади ва маъносини, турмушда учрайдиган мураккаб вазиятларни тушунтириши, турли ишларни тўғри бажариш қоидаларини ўргатмоғи лозим. Баъзи оналарда ҳаётий тажриба етишмаслиги сабабли қизлар ношуд, баъзан эса енгилтак бўлиб қоладилар. Айрим оналар “ Ҳали қизим ёш, ўйнаб кулсин, уй ишларини, одатларимизни ўрганадиган вақти келар, дейдиларки, бу нафақат нотўғри, балки зарарли ҳамдир. Олимларнинг таъкидланишича, ижобий одатлар болада қанча эрта шакллантирилса, унинг меҳнат ва идрок этиш қобилияти шунча тез ву мукамал ривожланади. Болани ёшлигиданоқ пок табиатликка, мустақилликка, саранжом-сарихталикка ўргатилса ҳам қиз учун фойдали бўлади. Шу билан бирга боладаги муҳим фазилатлардан бири одоб, шарму – ҳаё бўлиб, номусли, ориятли бўлиш тушунчалари ҳам оналар томонидан ўргатилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, соғлом бола мустаҳкам оила таянчи, мустаҳкам оила эса жамиятнинг, давлатнинг таянчидир. Оилада соғлом бола тарбияси, унинг ҳаётида бахтли бўлиши учун оилада илик психологик иқлим яратилиши лозим .

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 122-бет.
- 2.Н. Боймуродов. “Амалий психология” Тошкент 2008 йил, 266 бет.
- 3.Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма. Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 бет.
4. Kamolova, S. (2022). Ўқитувчи педагогик қобилиятларини шакллантиришнинг психологик асослари. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(5). Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5114>

5. Shirin Kamolova, Расширение И Развитие Научное Мировоззрение Студентов, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
6. Shirin Kamolova, Самовоспитание – основа формирования гармонично – развитого поколения, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
7. Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
8. Shirin Kamolova, The Role Of Universal And Scientific Values In The Spiritual Development Of Future Teachers, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
9. Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
10. Shirin Kamolova, IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
11. Shirin Kamolova, АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙИ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
12. Kamolova, Sh. (2022). ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191>

13. Shirin Kamolova, [РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ](#), [Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 \(2020\): Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)
14. Qarshiboyeva, G.Ozligingni angla. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-52.
15. Каршибаева, Г. А., & Эшмуратов, О. Э. (2018). Факторы суицидального поведения, влияющие на формирование подросткового поведения. Молодой ученый, (49), 235-237.
16. Qarshiboyeva, G.ҲАЁТНИ СЕВИБ ЯШАНГ!. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-48.
17. Qarshiboyeva, G.ЯЗЫК И ФОРМИРОВАНИЕ ВЫСШИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФУНКЦИЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
18. Qarshiboyeva, G.OILADA BOLALARNI XALQ OG ‘ZAKI PJODI NA’MUNALARI ASOSIDA TARBIYALASH. Архив Научных Публикаций JSPI.
19. Qarshiboyeva, G.ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ. Архив Научных Публикаций JSPI.
20. Qarshiboyeva, G., & Abdurasulov, R. Oquvchi sportchilarning intilish darajasi. Архив Научных Публикаций JSPI.
21. Каршибаева, Г. А. Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.
22. Каршибаева, Г. А. Суицидальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In Психологические науки: теория и практика (pp. 37-39).
23. Каршибаева, Г. А., N.Абдукадырова, Н. Х. Психологические особенности педагогических конфликтов. In Психология: традиции и инновации (pp. 65-68).
24. Каршибаева, Г. А. Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.

25. Каршибаева, Г. А. Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.
26. Siddiqova, S. (2022). UZLUKSIZ TAILIM JARAENIDA MUSTAQILFIKRLOVCHI, IJODKOR SHAHSNI TARBIAJLASHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MASALALARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(3).
27. Siddiqova, S. K. (2021). INCREASE THE CREATIVE ACTIVITY OF STUDENTS COGNITION IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *Theoretical & Applied Science*, (2), 24-26.
28. Siddiqova, S. (2022). TAILIM JARAENIDA UQUVCHILARNING BILISH, IJODIY FAOLLIGINI OSHIRISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(3).
29. Siddiqova, S. (2021). UQUV TEXNOLOGIYALARI VA ULARNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI. *Джизакское инновационное образование*, 1(1).
30. Isoqulov, M. (2022). YUQORI SINFLAR UQUVCHILARI ONGIDA JAHOLATGA QARSHI KURASHA OLISH TAFAKURINI RIVOJLANTIRISHDA OILA VA MAKTAB HAMKORLIGI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746>
31. Soibnazarova, M. (2022). YOSHLAR TARBIVASIDA ABDURAHMON JOMIYNNIG ASARLARIDAN FOYDALANISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5634>
32. Sanakulova, Z. A., & Soibnazarova, M. N. (2017). Modular training as a pedagogical technology. *Pedagogicheskoe masterstvo: X Mezhdunarodnaya nauchnaya konferentsiya, Moskva, iyun'2017*
33. Soibnazarova, M. (2022). ESH AVJUDNING MA'NAVIY-AHLOQIY TARBIVASIDA MUTAFAKKIRLARNINGFIKRLARIDAN

ФОЙДАЛАНИШ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5573>

34. Санакулова, З. А., & Соибназарова, М. Н. (2017). Модульное обучение как педагогическая технология. In Педагогическое мастерство (pp. 20-22).

35. Санакулова, З. А., Соибназарова, М. Н., Бойтураева, Н. И., & Юлдашев, Ш. Э. (2016). Психологические условия формирования навыков самостоятельного мышления у учащихся. Молодой ученый, (8), 1022-1024.

36. Axmedova, S. (2022). MAKTABLARDA O'QITISH TIZIMINING TA'LIM OLUVCHILAR YOSHI BILAN BOG'LIQLIGI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5879>

37. Axmedova, S. (2022). SAMARALI RAHBARLIKKA XOS XISLATLAR. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5).

извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5102>

38. Axmedova, S. (2022). TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARINING MA'NAVIY QIYOFASI, MADANIYATI VA UNGA QO'YILGAN TALABLAR. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(4).

извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4904>

39. Munarova Rano Usarovna, Saparova Zamira Ibrahimovna, Yuldoshev Sardor Asliddin oâ€™gâ€™li, Akhmedova Shokhida Mukhtarovna. THE EDUCATION OF TALENTED STUDENTS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)-ISSN: 2455-3662, 2019

40. Axmedova, S. (2019). FACTORS AND TRENDS OF ECONOMIC GROWTH. Экономика и социум, (10), 17-20.

41. Shagazatova, B. X., Mirkhaydarova, F. S., Artikova, D. M., Axmedova, F. S., & Kudratov, N. A. (2019). FEATURES OF DIABETES MELLITUS IN HIV-INFECTED PATIENTS. Toshkent tibbiyot akademiyasi axborotnomasi, (1), 149-152.



42.Munarova Rano Usarovna, Rozikova Munzira Dodoevna Uralov Anvar Abdumalikovich, Akhmedova Shokhida Mukhtarovna. (2020). Possibilities Of Self-Education In The Manifestation Of Genius Personality. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(08), 3626-3631. Retrieved from <http://serisc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/25584>